

№ 04-04/1-2660
02.09.2025у.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари,
Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш
бўйича Идоралараро комиссияси раиси



Ж. Ходжаев

2025 йил “ 02 ” сентябрь

**Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича
Идоралараро комиссияси йиғилиши
БАЁНИ № 16**

2025 йил 02 сентябрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: - Ж.А.Ходжаев – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссияси раиси

Иштирок этувчилар: - Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия ва Музокаралар гурӯҳи аъзолари ҳамда ҳамда ЖСТга аъзолик жараёнига жалб қилинган вазирлик ва идоралар масъул ходимлари

КУН ТАРТИБИ

**Транспорт воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш жараёнларини
саддалаштириш тўғрисида**

(Ходжаев, Урунов, Жуманазаров, Тешабаев, Насиров, Урунов, Ходжаев)

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғи юзасидан жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжи учун импорт қилинаётган транспорт воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш жараёнларини саддалаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, ғилдиракли енгил транспорт воситаларини муюмалага чиқарилишида транспорт воситаларини турини маъқуллаш жараёнлари ва тартиботини енгиллаштириш чоралари муҳокама қилинди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг таклифи асосида транспорт воситаларининг сертификатлаш ва турини маъқуллаш жараёнлари кўриб чиқилди. Жумладан:

- ғилдиракли транспорт воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 237-сон карори билан тасдиқланган техник регламент (*кейинги ўринларда – Регламент*) асосида амалга оширилиши;

- мазкур Регламент талаблари асосида транспорт воситаси турини маъқуллаш **62 та кўрсаткич** асосида амалга оширилиши лозимлиги;

- ҳозирги вақтда республикада транспорт воситалари турини маъқуллашда кўрсатилган **62 та кўрсаткичдан** факатгина **25 та кўрсаткич** бўйича синов ўтказиш имконияти мавжудлиги, қолган **37 та кўрсаткич** бўйича эса 1958 йилда қабул қилинган Женева келишувига аъзо давлатларнинг (*жами 68 та давлат, шу жумладан 2018 йилда Ўзбекистон ҳам ушбу келишувга аъзо бўлган*) синов баённомаларини **тан олиш** орқали амалга оширилиши;

- 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб республика ҳудудида янги импорт автомобилларини сотиш факат юридик шахслар - ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлари томонидан амалга оширилиш **талаби бекор килинганилиги** (*мазкур ўзгариш натижасида транспорт воситаларини мувофиқлигини баҳолаш 62 кўрсаткич бўйича эмас, балки 14 та кўрсаткич бўйича амалга оширилиши*);

- жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжи учун импорт килинаётган транспорт воситаларининг мувофиқлигини баҳолашда транспорт воситаси турини маъқуллаш хужжати мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, ҳар бир олиб кирилаётган транспорт воситаси **2024 йил 1 ноябрдан** бошлаб **14 та кўрсаткич** бўйича сертификатлаш жараёнидан ўтказилиши;

- **2024 йил 1 ноябрдан** бошлаб транспорт воситалари мувофиқлигини халкаро талаблар асосида баҳолаш мақсадида Пскент автополигонида **Регламентда** белгиланган **2 та** ("электромагнит мослашувчанлик" ҳамда "ҳайдовчи ва ўловчи хонасига ажralадиган заҳарли моддалар") **мажбурий** кўрсаткич бўйича синовларни амалга ошириш имкони яратилганилиги;

- лабораториянинг фаолияти 24/7 режимига ўтказилиб, электрон навбат жорий килинганилиги тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Мазкур чоралар республикада ишлаб чиқарилаётган ва импорт бўйича олиб кирилаётган транспорт воситаларининг хавфсизлиги, сотувдан кейин истеъмолчилар учун техник хизмат кўрсатиш чораларини кучайтиришга қаратилганилиги қайд этилди. Бунинг натижасида, расмий дилерлик марказлари сони 2020 йилдаги **3 тадан** бугунги кунга келиб **21 тага** етгани, тури маъқулланган моделлар сони **15 тадан 101 тага** ошганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, юкоридаги чоралар расмий дилерлар орқали транспорт воситалари савдосини янада рағбатлантиришга қаратилган бўлса ҳам, 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб кучга кирган Пскент автополигонида **Регламентда** белгиланган **2 та мажбурий** кўрсаткич бўйича синовларни амалга ошириш амалиёти орқали расмий сотувлар сони бўйича кескин ўзгариш бўлмаганлиги, балки 2024 йилга нисбатан жорий йил биринчи ярим йиллигига жисмоний шахслар томонидан олиб кирилган енгил автотранспорт воситалари сони **2 693 донага кўпайганлиги** алоҳида кайд этиб ўтилди.

Бунинг асосий сабаби мувофиқликни баҳолаш тизимида тегишли инфратузилмани яратиш етарлича таъминланмаганлиги, бугунги ҳолат бўйича Пскент полигонида узун навбатлар (1 ойдан 3 ойгача) ҳосил бўлаётганлиги ҳамда ахолининг кенг эътиrozлари шаклланаётганлиги маълум килинди.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжи учун импорт қилинаётган транспорт воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш жараёнларини соддалаштириш мақсадида, **Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия қарор қиласин:**

1. Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А. Жуманазаровнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжи учун импорт қилинаётган транспорт воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш жараёнлари тўғрисидаги ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг (A. Жуманазаров) қуйидаги таклифлари маъқуллансан:

а) **юридик шахсларга** муомалага чиқариш учун транспорт воситаси турини маъқуллаш хужжатининг амал қилиш муддатини **3 йилдан 5 йилга узайтирилсин;**

б) **2025 йил 2 сентябрдан бошлаб** шахсий эҳтиёж учун импорт қилинадиган бир дона автотранспорт воситасини “электромагнит мослашувчанлик” ва “ҳайдовчи ҳамда йўловчи хонасидаги ҳавога ажralадиган заҳарли моддалар” кўрсаткичлари бўйича **синовларни ўтказиш талаби бекор қилинсан.**

3. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (A. Жуманазаров) мазкур баённинг 2-бандидан келиб чиқиб:

Божхона қўмитаси (A. Мавлонов) билан бирга белгиланган тартиботларни 2 сентябрдан амалга татбиқ этиш қатъий чораларини кўрсинг;

мувофиқликни баҳолаш марказларини ташкил этишга хусусий секторни кенг жалб этиш ва аккредитация тизимини такомиллаштириш бўйича **2025 йил 1 октябрига қадар** Президент Администрациясига аниқ таклифларни киритсан;

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 237-сон карори билан тасдиқланган техник регламентга тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритишни назарда тутувчи норматив-хукукий хужжат лойиҳасини **2025 йил 1 октябрга** кадар Вазирлар Маҳкамасига **киритиш чораларини кўрсинг**.

4. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқукларини ҳимоя қилиш қўмитаси (*Ф. Карабаев*), **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (*Х. Мустафоев*) билан биргаликда **бир ой муддатда** маҳаллий ишлаб чикарувчилар, расмий ва норасмий дилерлар ўртасида автотранспорт воситаларининг нархларидағи тафовутларни таҳлилдан ўтказсин, нархларни макбуллаштириш ва тартибга солиш бўйича чоралар бўйича Президент Администрациясига аниқ таклифлар киритсан.

5. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (*А. Жуманазаров*) импорт қилинган автомобилларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан доимий назорат ўрнатсин (*бозор назорати тамоили асосида*) ҳамда амалдаги талабларга номувофиқлик ҳолатлари аниқланганда ҳамда истеъмолчилар томонидан етарлича эътиrozлар келиб тушган тақдирда, Регламент доирасида зарур чоралар кўрилишини таъминласин.

6. Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Идоралараро комиссия раисининг ўринбосари **А. Урунов ва Бош вазир ўринбосарининг Инвестициялар, экспорт, савдо, кишлок ва сув хўжалиги масалалари котибияти мудири **Т. Рапиков** зиммасига юклансин.**